

---

## "КИТОБ - ДУНЁ МАЪНАВИЯТИНИНГ КАЛИТИ"

Туманимиз Бувайданинг 4-секторига қарашли Шўрқишлоқ МФИда Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ахборот кутубхона маркази ҳамкорлигига аҳоли ва уюшмаган ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонликни ошириш мақсадида "Китоб дунё манавиятининг калити" мавзусида адабий кеча бўлиб ўтди. Тадбирда мактаб ўқувчилари томонидан буюк мутафаккирларимиз Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалларидан айтишиб, маҳалла аҳлию адабий кеча меҳмонларига ўзгача кайфият бағишилади. Ҳамда 50-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчи Наргиза Ўринова ёзувчи Жавлон Жовлиевнинг "Қўрқма" китобини мазмунли ёритиб берди. Шунингдек, Ахборот кутубхона маркази томонидан китоб савдо ярмаркаси ташкил этилди. Йиғилганлар ўзлари танлаган янги нашрдаги китоблардан сотиб олдилар.

2022-02-23 16:06:10